

**Акциядорлик тижорат Туронбанки пластик карточкаларидан
фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича
сонли шартнома**

«___» 20 ___ й.

Акциядорлик тижорат Туронбанкнинг _____ филиали номидан _____ даги №____
- сонли ишончнома асосида иш юритувчи (кейинги ўринда матнда «Банк» деб аталади) бир томондан, ва
_____ бундан бўён «Карточка эгаси» деб юритилади, иккинчи
томондан, ушбу шартномани қуидаги мазмунда туздилар.

ШАРТНОМА МАЗМУНИ

Мазкур шартнома Банк ва пластик карточка (кейинги ўринда матнда “Карточка” деб аталади) эгасини
ўртасидаги банк томонидан пластик карточка эгасига пластик карточка чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш
бўйича муносабатларни тартибга солади.

АТАМАЛАР

1. «МКХ» - карточка эгасининг номига миллий валютада очилган маҳсус карточка ҳисобвараги.
2. «Шартнома» - мазкур шартнома ва унинг иловалари.
3. «СХН» - карточкани товар ва хизматлар учун тўлов воситаси сифатида қабул қилувчи савдо ва хизмат
кўрсатиш нукталари.
4. «Транзакция» - карточка эгаси томонидан карточка орқали амалга оширилган ҳар қандай тўлов, ёки нақд
пул чиқим килиниши бўйича ҳар қандай амалиётнинг электрон шакли.
5. «ПИН» - карточка эгаси томонидан қуидаги амалиётларни амалга оширилганлигини тасдиқловчи шахсий
идентификация раками:
 - Карточка орқали нақд пул маблағларини ечиш;
 - Карточка орқали товар ва хизматлар учун тўловни амалга ошириш;
 - Карточка орқали амалга оширилган амалиётлар бўйича маълумот олиш.
6. «Тўловларни қайтариш» - карточка орқали конунчиликда белгиланган тартибда ўтказилган операция
суммаси МКХга ўтказилганлигини билдиради.
7. «Банкомат» - электрон қурилма бўлиб, карточкаси эгасига қуидаги амалиётларни амалга ошириш
имконини беради;
 - ўзига ўзи хизмат кўрсатиш тартибда нақд пул маблағларини ечиш ва бу ҳақда чекни шакллантириш;
 - ўзига ўзи хизмат кўрсатиш режимида нақдсиз тўловларни амалга ошириш ва бу ҳақда чекни
шакллантириш;
 - Карточка орқали ПИНни ўзгартириш, МКХ ёки карточка холати бўйича маълумот олиш ва бошқа
номолиявий амалиёларни амалга ошириш.
8. «Банк тарифи» - карточка орқали амалга оширилаётган барча турдаги тўловлар ва амалиётлар бўйича
банк томонидан олинадиган хизмат ҳақи микдорлари белгиланган тарифлар.
9. ЯБТТ «UZKART» - карточкаларни муомалага чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш тўлов
инфраструктурасидан (кейинги ўринларда матнда “Инфраструктура” деб аталади) ташкил топган Ягона
банклараро тўлов тизими.
10. «Стоп-лист» - инфраструктурада хизмат кўрсатилиши бекор килинган йўколган ва ўғриланган
карточкаларнинг электрон рўйхати. “Стоп-лист”га карточка эгасининг ёзма аризасига мувофиқ 30 кун
муддатга киритилади. Стоп-листга киритилган оффлайн карточка ҳисобварагидаги қолдик маблағ
карточка стоп-листга киритилган кундан бошлаб 30 кундан сўнг активлаштирилади.
11. «Авторизация» - карточкага жойлаштирилган маълумотлар асосида Инфраструктурада амалга
oshiриладиган тўловларнинг ҳақиқийлигини кўпқатламли текширилишини автомат тарзда амалга
oshiрилиши.
12. Мазкур шартномада “Карточка” ва “ҳисобварак” сўзларининг кўлланилиши ушбу шартнома асосида
карточка эгасига муомалага чиқарилган барча карточкаларга нисбатан кўлланилади.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Мазкур шартнома МКХга, карточка ва унинг эгасига тадбик этилиб, банк ва карточка эгасининг ҳукуқ ва
мажбуриятларини белгилайди.
- 1.2. Карточка эгаси карточка олиш учун банкда милий валютада МКХни очиши лозим.
- 1.3. Банк карточкани карточка эгасининг аризаси ва мазкур шартнома асосида муомалага чиқаради ҳамда уни
шахсан карточка эгасига ёки унинг қонуний вакилига беради. Агар карточка корхонанинг банк билан иш
ҳақи лойиҳаси доирасида тузган шартномасига мувофиқ иш ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағларни
берилиши учун муомилага чиқарилган бўлса, карточка ишончнома ва қабул қилиш-топшириш
далолатномага асосан ташкилотнинг вакилига берилиши мумкин.
- 1.4. Карточка ____ йил муддатга муомалага чиқарилади ҳамда уни бошқасига алмаштирилиши унинг амал
қилиш муддати тугаганидан сўнг карточка эгасининг аризасига асосан амалга оширилади.

- 1.5. Банк мазкур шартнома бўйича кўрсатилган маълум турдаги хизматлар учун комиссияни ундиради. Хизмат ҳақлари олинадиган операция турлари ва комиссия миқдори банк тарифида белгиланади.
- 1.6. Карточка эгаси карточкани йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисида ёзма мурожаат қилса. Банк карточками йўқотилганлиги учун банк тарифига асосан комиссия ундиради.
- 1.7. Йўқотилган, ўғирланган ва яроқсиз ҳолга келган карточка ҳисоб рақамидаги маблағлар 30 календар кундан сўнг тикланади.
- 1.8. Карточкадан фойдаланиш жараёнида уч марта нотўғри ПИН терилганда, карточка ҳимояланиб (блокировка) қолади. Карточкани ҳимояланишдан ечиш мижознинг аризасига кўра карточка муомалага чиқарилган филиалда амалга оширилади.
- 1.9. Мазкур шартнома шартларига, жумладан банк тарифига киритилган қўшимчалар ва ўзгартиришлар Банк томонидан ўзининг расмий сайтида (www.turonbank.uz) ва банк биносида жойлашган эълонлар тахтасида маълумотларни жойлаштириш орқали маълум қилинади.
- 1.10. Карточка эгаси карточкани муомалага чиқариш учун гаров суммасини кўяди ва ушбу маблағ карточкани ёпиш жараёнида Банкга қайтариб берилади.
- 1.11. Карточка йўқолганлиги ёки шикастламганлиги сабабли, ёки мазкур шартноманинг 3.1.3. бандида кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда, гаров суммаси банк фойдасига ўтказилади.

2. БАНК МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 2.1. Банк куйидаги мажбуриятларга эга:
- 2.1.1. Карточка эгасидан ариза олинганидан сўнг ва мазкур шартнома имзоланганидан сўнг карточка эгаси номига МКХ очиш ва карточкани муомалага чиқариш;
- 2.1.2. Агар келиб тушгам маблағ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос келса, ушбу транзит хисобваракдаги маблағларни 3 (уч) кун муддатда мижоз хисобварагига кирим қилиш;
- 2.1.3. Карточка орқали амалга оширилган барча мувофакиятли транзакциялар миқдори бўйича МКХ бўйича хисоб-китобларни амалга ошириш;
- 2.1.4. Карточка эгасига ариза асосида уланганидан сўнг дистанцион банк хизматини (интернет банкинг, смс банкинг ва бошқалар) кўрсатиш;
- 2.1.5. Карточка эгасининг ёзма ариза асосида берган топшириклари бўйича пул маблағларини бошқа хисобваракка кўчириш ёки хисоб-китобларни амалга ошириш;
- 2.1.6. Карточка эгасининг ёзма аризаси асосида МКХ бўйича кўчирмалар бериш;
- 2.1.7. Карточка эгаси ёки маблағни жунатувчи томонидан аниқ сабаблари кўрсатилган ёзма хат тақдим этилганидан кейин тўловларни қайтариш амалиётини ўтказиш;
- 2.1.8. Карточка эгасининг карточкани йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисидаги ёзма аризасига асосан карточкани “стоп-лист”га киритиш орқали унинг ҳаракатини тўхтатиш бўйича барча зарурий чораларни кўриш;
- 2.1.9. Карточка эгасини банк тарифи билан танишириш.

3. БАНК ҲУҚУҚЛАРИ

- 3.1. Банкнинг ҳуқуqlари қуйидагилардан иборат:
- 3.1.1. Карточка эгаси томонидан мазкур шартнома шартлари бузилса ёки карточка эгасининг ҳаракатлари Банк учун асосланмаган молиявий йўқотишлар рискини юзага келиши тўғрисида хулоса қилинишига сабаб бўлган ҳолатларни келтириб чиқарса, карточка ҳаракатини тўхтатиш;
- 3.1.2. Исталган пайтда қуйидаги ҳолатларда карточкани қайтариб олиш:
 - ✓ Карточга эгасининг топшириғи асосида;
 - ✓ Ҳуқуқни мухофаза қилиш органлари ва суд қарори асосида;
 - ✓ Карточкадан қонунга хилоф равишда фойдаланилганлиги ҳолатлари мавжудлиги яққол маълум бўлганда;
 - ✓ Шартнома шартлари бузилганда.
- 3.1.3. Карточка орқали охирги 6 ойда муомилалар бажарилмаганда ва МКХ колдиқ маблағ мавжуд бўлмаган тақдирда, карточкани амал қилиш муддати тугаганидан сўнг карточка эгасининг иштирокисиз МКХни ёпиш ва гаров суммасини банк фойдасига ўтказиш;
- 3.1.4. Қонунчиликда ўрнатилган тартибда банк тарифини бир томонлама ўзгартириш;
- 3.1.5. Карточка эгаси томонидан мазкур шартнома шартлари бузилганлиги натижасида банкга етказилган молиявий йўқотишлар, ҳаражатлар ва зарар суммасини акцептланмаган тарзда карточка эгасидан ундириш;
- 3.1.6. Накдсиз келиб тушган маблағларнинг қонунийлигини тасдиқловчи хужжат тақдим этилмаса, ушбу маблағларни МКХга кирим қиласлик ёки қайтариб юбориш;
- 3.1.7. Карточка ёпилганда қайтариб бериладиган гаров суммасининг энг кам миқдорини белгилаш. Гаров суммасининг энг кам миқдори банк тарифига асосан 15000 сумдам ошмаган миқдорда белгиланади.

4. КАРТОЧКА ЭГАСИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 4.1. Карточка эгаси куйидаги мажбуриятларга эга:
- 4.1.1. Шартнома шартларига риоя қилган ҳолда карточкадан фойдаланиш;

- 4.1.2. 3 (уч) банк кунида шартнома шартларини карточка эгаси томонидан бузилиши натижасида юзага келган барча харажатларни қоплаш;
- 4.1.3. Карточкани күйидаги шартларга риоя қилган ҳолда ишлатиш:
 - ✓ МКХда мавжуд қолдик доирасида;
 - ✓ Карточкада кўрсатилган муддат давомида.
- 4.1.4. Карточкани кабул килиб олгандан сўнг дархол ПИНни ўзгартириш;
- 4.1.5. Карточкани унинг амал килиш муддати тугаганда, уни янгисига алмаштирганда ёки унинг қайтарилишини Банк талаб килганда ҳамда мазкур шартнома бекор килинганда қайтариш;
- 4.1.6. Яшаш манзили ёки паспорт маълумотлар ўзгарганда дархол банкга хабар бериш;
- 4.1.7. Карточка йўқолганда, ўғирланганда ёки яроксиз ҳолга келганда ҳамда ундан фойдаланиш рухсат этилмаган ҳолатлар юзага келганда, мазкур ҳолатлар юзасидан Банкни киска муддатда хабардор килиш;
- 4.1.8. Карточка эгаси томонидан амалга оширилган нотўғри (“сбой”) ва кечиккан транзакцияларни қайта ишлаш натижасида юзага келган қарздорликларни қоплаш;
- 4.1.9. Банк тарифига асосам банк комиссиясини тўлаш.

5. ПЛАСТИК КАРТОЧКА ЭГАСИННИГ ҲУҚУҚЛАРИ

- 5.1. Карточка эгаси кўйидаги ҳукукларга эга:
- 5.1.1. МКХ қолдигини чекланмаган микдорда тўлдириш, агар бошқа ҳолатлар қонунчиликда кўзда тутилмаган бўлса;
- 5.1.2. МКХдаги айланмалар бўйича вакти вакти билан кўчирмалар олиш;
- 5.1.3. Карточа эгаси карточкага юқлатилмаган маблағлар қолдиги ва факат карточкадаги маблағларни талаб килиш (DUET карточкалари бўйича);
- 5.2. Карточка эгаси СХН дан келиб тушмаган маблағлар бўйича тўловларни қайтариш амалиётини ўтказишни Банкдан талаб қилиш ҳукуқига эга эмас.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Банк жавобгарлиги:
 - 6.1.1. Карточка эгасидан ёзма ариза кабул қилиб олинган куннинг кейинги кунидан кечиктирмасдан карточкани “стоп-лист” киритиш ёки карточка ҳаракатини тўхтатиш чораларини кўриш;
 - 6.1.2. Мазкур шартнома шартларидан келиб чиқадиган барча мажбуриятларининг изжоси юзасидан жавобгар;
 - 6.1.3. Банк дистанцион банк хизматлари бўйича жавобгар хисобланмайди, агар карточка эгаси мазкур хизмат турига ўзича уланган бўлса;
 - 6.1.4. Банк карточка эгаси томонидан карточкани “стоп-лист”га киритиш юзасидан ёзма аризаси берилган вақтдан бошлаб 72 соат ичida карточкани учинчи шахслар томонидан фойдаланилганлиги учун жавобгар хисобланмайди;
 - 6.1.5. Банк қўйидаги ҳолатларда жавобгарликни ўз зиммасига олмайди:
 - ✓ Карточка эгаси шартнома шартларини бажармагандан;
 - ✓ Карточка эгасининг эҳтиётсизлиги туфайли учинчи шахслар томонидан карточка ишлатилганда;
 - ✓ Банкнинг ўз мажбуриятларини бажармаслиги унинг назорати доирасидан ташкарида бўлса.
- 6.2. Карточка эгаси жавобгарлиги:
 - 6.2.1. Карточка эгаси мазкур шартнома шартлари ва қоидаларини ўзи томонидан бузилиши натижасида банкга етказилган зарар суммасими қоплаш бўйича жавобгар хисобланади;
 - 6.2.2. Карточка эгаси ўзи томонидан банкга тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги бўйича жавобгар хисобланади;
 - 6.2.3. Карточка эгаси мазкур шартнома шартларидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан жавобгардир.

7. ФОРС-МАЖОР

- 7.1. Томонлар мазкур шартнома шартлари бўйича ўз мажбуриятларими бажармасликлари ёки лозим даражада бажармасликлари учун жавобгар хисобланмайди, агар ушбу ҳолат шартнома тузилганидан сўнг енгиб бўлмас куч (форс-мажор) туфайли келиб чиқсан. Енгиб бўлмас куч ваколатли органлар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланганидан сумг форс-мажор деб хисобламади.

8. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ

- 8.1. Тарафлар шартноманинг шартларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиши мумкин.
- 8.2. Ўзгартиришларни киритилиши карточка эгаси томонидан таклиф этилган бўлса, улар фактгина хар икки томон имзолаганидан сўнг кучга киради. Акс ҳолда, шартноманинг 1.9. банди қўлланилади.
- 8.3. Шартноманинг барча иловалари ва қўшимчалари унинг ажралмас қисми хисобланади ва улар ижро учун мажбурийдир.
- 8.4. Агар томонлар келиша олмасалар, шартноманинг амал килиниши мазкур шартноманинг 9.2.бандига мувофиқ бекор килинади.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ ТУГАТИЛИШИ

- 9.1. Ушбу шартнома бир йил муддатга тузилади ва автоматик равишда навбатдаги муддатга узайтирилади, агар бирор бир томон шартномани амал қилиш муддати тугагунга қадар 30 кун ичидаги шартномани тугатиш бўйича ёзма хабар бермаса.
- 9.2. Шартнома бирор бир томоннинг таклифига кўра иккинчи томонга ёзма маълумот юбориш оркали муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.
- 9.3. Карточка эгаси шартнома харакатини тугатиш жараёнида шартнома бекор килингунча амалга оширилган ёки бекор килинганидан сўнг карточкани ўз вактида банкга қайтарилимаслиги сабабли келиб тушган барча транзакциялар бўйича тўлик жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- 9.4. Шартнома ҳаракатини тугатиш жараёнида карточка эгаси карточкани банкга кайтаради ҳамда МКҲдаги қолдик маблағ эса барча шартлар бажарилганидан сўнг карточка эгасига қайтариб берилади.

10. МАХФИЙЛИК

- 10.1. Карточка эгаси, Банк каби, шартнома бўйича маҳфийликни саклаш учун жавобгардир.
- 10.2. Карточка эгаси ва у томонидан амалга оширилган амалиётларнинг сир сақланашини Банк кафолатлайди.
- 10.3. Карточка эгаси ва карточкадан фойдаланган ҳолда у томонидан ўтказилган амалиётлар тўғрисидаги маълумотлар истисно тарзида ва фақат қонунчиликда кўрсатилган тартибда учинчи шахсларга тақдим этилиши мумкин.

11. НИЗОЛАР ҲАЛ ЭТИЛИШИ

- 11.1. Шартнома шартларини бажариш жараёнида томонлар ўртасида юзага келадиган низолар ҳар икки томондан ўзаро маъқул бўлган қарорга келиш мақсадида кўриб чиқилади.
- 11.2. Юзага келган келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиш имкони бўлмаса, томонлар ўртасидаги келишмовчиликлар қонунчиликда кўрсатилган тартибда ҳал этилади.

12. АЛОҲИДА ҚОИДАЛАР (АРИЗА)

- 12.1. Ушбу орқали менга тегишли бўлган МКҲни ёпиш ва карточка ҳаракатини, агар МКҲ бўйича сўнгти 6 (олти) ойда амалиёт ўтказилмаса ва ундаги қолдик маблағ миқдори 1000 (минг) сўмдан кам суммани ташкил киласа, бекор килишингизни сўрайман. Ўз имзойим билан _____ тасдиқлайман.

13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 13.1. Мазкур шартнома тенг юридик кучга эга ўхшаш икки нусҳада тузилган бўлиб, ҳар бир томон учун бир нусҳада, томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради.

14. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ:

АТБ Туронбанк _____ филиали _____

Адрес:

Паспорт серияси № _____
берилган _____

СТИР:

адрес: _____

МФО:

тел. _____

Телефон:

Шартнома шартлари ва амалдаги банк тарифи
билин танишдим.

Подпись _____

Подпись _____

Юрист _____



Заявление на выпуск сумовой карточки

Заявитель

Ф. И. О.: [REDACTED]

Адрес (дом): [REDACTED] Индекс: [REDACTED]

Паспортные данные (Серия, № кем и когда выдан) [REDACTED]

Тел.: [REDACTED]

Место работы

Наим.: [REDACTED]

Адрес (раб.): [REDACTED] Индекс: [REDACTED]

Тел.: [REDACTED] Факс: [REDACTED]

Должность: [REDACTED]

Контрольная информация

Дата рождения: [REDACTED] Место рождения: [REDACTED]

Настоящим подтверждаю, что информация, представленная в данном заявлении является подлинной

Дата: [REDACTED] Подпись: [REDACTED]

Заполняется банком

Тип карточки: [REDACTED]

Комментарии: [REDACTED]